



## ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШИДА АСКИЯ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**А.А.Камбаров**

Профессори, (DSc)

**О.Тожимамова**

Магистри

Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14671862>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-Yanvar 2025 yil

Ma'qullandi: 10- Yanvar 2025 yil

Nashr qilindi: 16- Yanvar 2025 yil

### KEY WORDS

Халқ оғзаки ижоди, қизиқчилик санъати, ижтимоий муносабатлар, бадиий-эстетик, санъат, ўзликни англаш, миллий онг, тафаккур.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада жамиятнинг ижтимоий ривожланишида аскиянинг ўрни, мазмуни, серзавқ, кулгили чиқишида ҳозиржавоблик, ҳаракатларидан ўринли фойдалана олиши талаби ёритилган. Аския орқали ахлоқий қадриятлар, ҳаётини сабоқлар ва ҳаётга доир билимлар ёшларга етказилади. Аския санъатининг вазифаси кулги орқали кишиларнинг кайфиятини кўтариш, уларга завқ бахшида этиш, муайян мавзу доирасида уларнинг билимларини янада кенгайтириш, ақлини, фикрини чархлаш, зийрак, ҳозиржавоб бўлишга даъват этиш, шу билан бир қаторда, турмушда учраб турувчи айрим кишилар хулқидаги камчиликлар устидан энгил кулгу уйғотиши баён этилган.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланишида аския санъати – ўзбек халқининг анъанавий ижодидаги муҳим элементлардан бири бўлиб, халқнинг маданий меросини сақлаш ва авлодларга етказишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу санъат шакли орқали халқнинг тарихий тажрибалари, урф-одатлари ва қадриятларига уланади. Аския (арабча “азкиё” – ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб) – ўзбек халқ оғзаки ижодининг хушчақчақ ва кулгили томоша санъатининг оммалашган жанри. У одатда халқ сайида, тўйларда ва бошқа маросимларда ижро этилади. Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ва Тошкент вилоятларида ривожланиб, санъат даражасига кўтарилган. Халқ оғзаки ижоди бўлган аския ва қизиқчилик санъатини кейинги авлодга етказиш бугунги кунда дозарб муаммолардан биридир. Шу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.07.2023 йилдаги ПҚ-222-сонли “Республикада миллий аския ва қизиқчилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланишида аския жанри одамлар орасида мулоқотни ривожлантиради. У жамоа яратувчиси бўлиб, инсонларни бирлаштиради ва ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаб, ижрочи-аскиячилар (аскиябоз) билан тингловчилар умумий кулгиси аскияга ҳарорат, хушчақчақлик бағишлайди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди тури. Фолклор жанри, икки ва ундан ортиқ киши ёки гуруҳнинг халқ йиғинларида (сайл, тўй, байрамлар) маълум мавзу бўйича бадиий сўз тортишувиدير

десак муболаға бўлмайди.

Аския жанри халқнинг турли қабилалари, минтақалари ва урушлари билан боғлиқ турли хил вариантларда мавжуд бўлиб, жамиятдаги кўп хилликни намоён этади. Ҳозиржавоблик, зийраклик ва донишмандликни, шу билан бирга, тил ва сўз бойлигини, бадиий-эстетик дидни талаб этадиган аскияда икки ёки ундан ортиқ киши ёхуд тўда орқали мунозаралашади, бу эса фикрлар мунозараси, ҳозиржавоблик ва сўзамолликдир. Айтилаётган аския бировнинг шахсиятига тегиб кетмаслиги учун ҳар бир сўз ва иборани ишлатишда ижрочи ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши зарур. Ёзма тарихий манбаларда аския XV-XVII асрларда кенг тарқалган. Шоир ва олим Зайниддин Восифий (XVI аср) Ҳиротда аския кенг авж олганини ёзади ва ўнлаб моҳир аскиячилар орасида энг истеъдодли Мавлоно Абдулвосе Мунший исмини келтиради. Аския ҳақида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хондамирлар ҳам маълумот беришган. Аскияда пайров сюжети алоҳида бадиий асар ҳисобланади, у аскиянинг мукаммаллашган ва мураккаб усули сифатида изчил фикрлар оқими бўлиб, маълум бир мавзунинг маъносини бошидан охиригача ечиб беради. Аскиячилар мавзу доирасида четга чиқмайдилар. Унда анъанавий пайровлар бўлмиш “Ўхшатдим”, “Бўласизми”, “Гулмисиз, райҳонмисиз”, “Бедана”, “Хавсана”, “Қофия”, “Билганлар, билмаганлар”, “Лақаб”лардан ташқари, замонавий мавзулар “Пахта”, “Оила”, “Кино”, “Дорбозлик”, “Ашула”, “Футбол” ва ҳоказолар, ўрин олган. Пайровда бир мавзу атрофлича ва чуқур очилиши лозим. Мавзудан чекиниш аскиячининг мағлубиятидан далолат беради. Аскияда мавзунинг тўғри танланиши, тушунча, фикр тизимини изчил равишда мантиқий яқунга етказа олиш, бадиҳагўйлик маҳорати, тингловчилар эътирофи муҳим аҳамият касб этади. Аския ҳаракат воситалари ўринли; унда сўз қўллаш маҳорати ҳамда мулоқот жараёнидаги тезкорлик, имо-ишоралар уйғунлиги маҳсулидир. XX асрнинг иккинчи ярмидан аскияни сахнавий санъат даражасига етказишда машҳур сўз усталари орасида Деҳқон юзбоши Шерназаров, Яшаркул Останақулов, Юсуф қизиқ Шакаржонов, Ижрокомбува, Ғойиб ота Тошматов, Турсунбува Аминов, Абдулхай Маъсум Қозоқов ва бошқалар ҳисса қўшганлар. Аскияни муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилиш ва келгуси авлодга етказишда аскиячилар жамоалари ва гуруҳлари, жумладан, Қўқон аскиячилар клуби Жўраҳон Пўлатов ва Ақромжон Акбаров бошчилигида, Марғилонда Мамасидиқ Шираев, Андижон вилояти Ҳонобод шаҳрида Муҳиддин Султонов, Асакада Жумавой Хуррамов, Қорасувда Қаҳрамон Абдувоҳидов раҳбарлигида фаолият юритмоқдалар. Аскияни сақлаш ва тарғиб этишда илмий тадқиқотлар, танловлар, фестиваллар, “Аския кечалари” (Тошкент, Ҳонобод, Марғилон), телекўрсатувлар, фильмлар, нашрлар қилинмоқда.

“Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”. Руҳий-маънавий борлиқни ифодаладиган миллий қадриятларимиздан бири аския жанри деб бемалол айтишимиз мумкин. Чунки, аскиячи тилнинг кенг имкониятларини пухта эгаллаган, сўз ўйини, қочирим, ҳазил-мутойиба, киноя ташбиҳ, кесатиқ, ўхшатиш, муболаға каби ҳавж санъати воситаларидан усталик билан тўла фойдалана оладиган бўлиши лозим. Аския санъатининг вазифаси кулги орқали кишиларнинг кайфиятини кўтариш, уларга завқ бахшида этиш, муайян мавзу доирасида уларнинг билимларини янада кенгайтириш, ақлини, фикрини чархлаш, зийрак, ҳозиржавоб бўлишга даъват этиш, шу

билан бир қаторда турмишдаги ва айрим кишилар ҳулқидаги камчиликлар устидан енгил кулгу уйғотишдир. Шунингдек, аския дегани рақибини сўз хужумини ҳозиржавоблик билан қайтариб ўзи ҳам хужумга ўтишдир. Аския ўзбеклар орасида кўп асрлардан бери мавжуд бўлиб, тўй йиғинларда, сайилларда икки томоннинг тортишуви натижасида бадиий сўз усталари аниқланган.

Аския санъати жамиятнинг ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг маданий ҳаётида ўз ўрнига эга эканлигини айтиб ўтиш мумкин. Аския жанри бўйича деярли ёзма адабиётлар кам учрайди. Мазкур жанр бугунги кунгача устоз-шогирд анъанасига таянган ҳолда бугунги кунгача етиб келди. Шундай бўлса-да, ўзбек миллий аския санъати бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, маърифат жонкуяри бўлган ҳассос шоир Чўлпон ўзининг 1936 йилда “Гулистон” журналида эълон қилинган “Қизиқлар” мақоласида айнан ана шу масалага тўхталиб, вақт кутиб турмаслигини, машхур қизиқларнинг ҳар бири халқ театрларининг намоён бўлиш шакли эканлигини алоҳида уқтирган, тез орада улар халқ хотирасидан ўчиб кетиш хавфи остида эканидан огоҳлантирган эди.

Аския санъатини ўрганишга қизиқиш ва унга илмий жиҳатдан тадқиқ этиш 1960 йилдан бошланган. Шунгача Шариф Ризонинг 1940 йили “Гулистон” журналининг № 4-сонида босилган “Халқ санъаткорлари” мақоласи билан А.Л.Троицкаянинг “Ўзбекистон халқ театри” қўлёзмасида аскияга бағишланган бир бўлимча ҳамда ўзбек сатираси муаммоларига бағишланган айрим мақолалар, шунингдек, 1960 йили нашр этилган Тўлқин Обидовнинг “Юсуфжон қизиқ” рисоласи бўлган. 1962-1965 йилларда Фарғона водийси анъанавий театрини ўрганиш бўйича уюштирилган экспедициялар даврида олимлар қатори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мухсин Қодиров ҳам аскияни илмий тадқиқ этиш ва ёзиб олишга катта эътибор беради ва 1991 йилга келиб у ўзининг “Юсуфжон қизиқ” номли асарини ёзади.

Аскияни илмий жиҳатдан ўрганишда Расул Муҳаммадиевнинг “Аския” тўплами (1970), Мухсин Қодировнинг “Ўзбек халқ томоша санъати” (1981), “Томоша санъатининг ўтмишидан лавҳалар” (1983), “Ўзбек анъанавий театри” (2010) каби асарлари, “Кулгу усталари” ўқув қўлланмаси (2008), Ҳасанбой Султоновнинг “Аския” (1998), Саид Анварнинг “Абдулла қизиқ нима дейди?” (2006), Убайлулла Абдулла ва Искандар Раҳмоннинг “Кулганлар дармонда, кулмаганлар армонда” (2007) каби рисолалари, Филология фанлари доктори Хикматулло Дўсмаатовнинг “Аския матнининг лингвостилитискаси” (2015) монографияси, “Аския – сўз ўйинлари санъати” (2021) ҳамда Ўзбекистон халқ артисти, профессор Султонали Манноповнинг “Аския ва қизиқчилик санъати” каби асарлари ўзбек миллий Аския санъатини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ўрганишлар натижалари шундан далолат берадики, Аския санъати ўз ривожидан бир қанча даврларни босиб ўтган. Ёзма тарихий манбаларда аския XV-XVII асрларда кенг тарқалган. Шоир ва олим Зайниддин Восифий (XVI аср) Ҳиротда аския кенг авж олганини ёзади ва ўнлаб моҳир аскиячилар орасида энг истеъдодли Мавлоно Абдулвосеҳ Мунший исмини келтиради. Аския ҳақида Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Хондамирлар ҳам ўз даврида Мавлоно Бурхониланг, Ҳасан воиз, Саид Ғиёсиддин шарфа сингари ўнлаб аскиячилар ижод

қилишганлиги ҳақида маълумотлар беришган.

Аския санъати инсонларнинг креативлигини намоён этади. Бу жанр орқали шахс ўз ҳис-туйғуларини ифодалай олади ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиради. Аския санъати алоҳида жанр сифатида XV асрдан шакллана бошлаган. XVIII-XIX асрларда аския санъати таъкидлаб ўтганимиздек, Фарғона водийси ва Тошкентда кенг ривожланди. Бу жанрда кишиларнинг бир бири билан бадий сўз тўқишда, сўз ўйинида, адабий баҳсда, ақллар мусобақасида кўпчилик ўртасида ҳалол тортишадилар. Ўзбекистонда жуда кўп аскиячилар етишиб чиққан бўлиб, булар Марғилонлик Жалил буқоқ, Сулаймон қори, Мамажон қовоқ, мулла Мухаммад бува, Қўқонлик Мирзараҳим кулоқ, Ниёзбоқи сичқон, Зоҳид бурун, Матҳолиқ аския, Тошкентлик Абдулла фонус, Саидахмад, Исмат аския сингари аскиячилар шулар жумласидандир. “Мана шундай ноёб ва буюк санъат бугунги кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унитилиб кетаётгани, ҳимоя ва муҳофазага мухтож бўлиб тургани – бу ҳам давримизнинг аччиқ ҳақиқатидир”. Аския ўзбек халқи тафаккури, дунёқараши, ижтимоий муносабатларни ўзида ифодалаган маънавий хазинадир. Зеро, аския ўзбек юмори ижтимоий анъаналар билан боғлиқ равишда ҳаёт тарзи кузатувлари асосида муҳим масалаларга эътибор қаратилган жанр сифатида маданий сўз ва тилга оид маълумот беришда аҳамияти катта.

Ижтимоий тараққиётда аския, мазмунли, серзавқ, кулгили чиқишида тарафлардан ҳозиржавоблик, шунингдек, мавзуга оид сўзларни топа олиши ва ҳаракатларидан ўринли фойдалана олиши талаб этилади. Аскиячи тилнинг кенг имкониятларини пухта эгаллаган, сўз ўйини, қочирим, ҳазил-мутойиба, киноя, ташбиҳ, кесатиқ, ўхшатиш, муболаға каби ҳавж санъати воситаларидан усталик билан тўла фойдалана оладиган бўлиши лозим. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аския орқали ахлоқий қадриятлар, ҳаётий сабоқлар ва ҳаётга доир билимлар ёшларга етказилади. Аския санъатининг вазифаси кулги орқали кишиларнинг кайфиятини кўтариш, уларга завқ бахшида этиш, муайян мавзу доирасида уларнинг билимларини янада кенгайтириш, ақлини, фикрини чархлаш, зийрак, ҳозиржавоб бўлишга даъват этиш, шу билан бир қаторда, турмушда учраб турувчи айрим кишилар хулқидаги камчиликлар устидан енгил кулгу уйғотишдир.

Халқимизнинг номоддий маданий мероси орасида ўзбек миллий Аския санъати узоқ тарихий тақомили билан ажралиб туради. 2014 йил 27 ноябрь куни ЮНЕСКО бош қароргоҳида ўтказилган Номоддий маданий мерос қўмитасининг 9-сессиясида халқимизнинг миллий аския санъати инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилганлиги тарихий воқеа бўлди.

Ўзбек миллий аския санъати инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киритилганлиги эса мазкур сўз санъатининг нафақат Ўзбекистонда ўрганилишига туртки бўлди, балки ушбу воқеа бутун дунё мутахассисларининг бу санъат турига нисбатан қизиқиши ошди ва кўп минг йиллик миллий санъат турининг янада ривожланишига замин яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.07.23 йилдаги ПҚ.-222-сонли “Республикада миллий аския ва қизиқчилик санъатини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2000.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти улуғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 2019.
5. Қамбаров А.А., Маннопов С. Нажметдинова М.М. Ўзбек санъати тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. –Фарғона. Фарғона нашриёти. 2021.
6. Қодиров М. Юсуфжон қизиқ. –Тошкент: Ўзбекистон фанлар академияси. Фан нашриёти. 1991.
7. Маннопов С., Шераев М. Ўзбек халқининг аския ва қизиқчилик санъати. –Фарғона нашриёти. 2020.

